СЕКСАНБ

УзССР давлат китоб палатаси

960793

Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

27 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

Сотувда эркин нархда.

№ 145 (640). 1993 йил.

«ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ» БИРЛАШМАСИДА ТРАКТОРГА ТИРКАБ ИШЛАТИЛАДИГАН БИРИНЧИ ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИ КОНВЕЙЕРДАН ЧИҚДИ

«ХМ — 01» маркали ушбу машина кўринишн жиҳатидан кўплаб ишлаб чиқарилаётган икки қаторли агрегатлардан фарқ қилмайди. Ишчи аппаратлари ҳам, деталлари ва узеллари ҳам деярли бир хил, лекин...

Ана шу лекин кўп нарсани изоҳлайди. Энди завод ходимлари пахта териш машинасини ўрнатиш учун тракторларни қисмларга ажратишларига ҳожат қолмади. Янги пахта териш машинасини ҳар қандай ғилдиракли трактерга тиркаб ишлатиш мумкин. Бункери эса олдинги машиналарга нисбатан бир ярим баравар каттароқ. Шунга қарамай, машина бункери «оқ олтин» билан тезроқ тўлади. Янги машина кўплаб ишлаб чиқарила бошлагач, буюртмачилар хоҳишига кўра, уни трактор билан ёки тракторсиз сотиб олишлари мумкин.

— Лекин ишимиз осон эмас, —дейди бирлашма бош директорининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари Н. А. Зиновец. — Бу машиналар пахтакорлар учун зарурлигига ишончим комил. Аммо, завод уларни кўплаб тайёрлай олмайди. Бу йил далада синаб кўриш учун ўн иккита машина ишлаб чиқармоқчимиз. Улар Ўзбекистон вилоятларига ва... Исроилга жўнатилади.

Янги машинани синаб кўриш — зарур иш. Республикамиз пахтазорларида синалиши — табиий, лекин машина хорижий мамлакатларда ўзини қандай кўрсатиши, қанчалик рентабелли бўлиши жуда муҳим...

Бозор иқтисодиётига ўтиш мунтазам равишда янгилик излашни, таниқли фирмалар билан амалий ҳамкорлик қилишни талаб этади. «ХМ—01» пахта терши машинасини пахтачилик машиналари бўйича республика давлат конструкторлик бюроси ходимлари «Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги» бирлашмасининг муҳандислари билан биргаликда яратдилар. Бирлашма жамоаси бир неча ой ичида дастлабки машинани тайёрлади. Илгари янги машина ишлаб чиқаришга унчалик шошилмас эдилар. Чунки, режа, ишлаб чиқариш жадвали мавжуд эди...

У вақтларда махсус конструкторлик бюроси ҳам завод оладиган фойдага шерик бўла олмасди, шу сабабли ўз қўли билан ясаган машиналарни бошқа мамлакатларда синаб кўришга ҳаракат ҳам қилмасди. Энди вазият бутунлай ўзгарди: Исроил ишбилармонлари билан алоқа йўлга қўйилди. Мана энди янги машинани шу мамлакатда синаш мумкин. Ўзбекистонда ясалган тиркама пахта териш машиналарига Исроил, Америкининг машҳур «Жон Дир» фирмаси ишлаб чиқарадиган горизонтал шпинделли ишчи аппаратлари етказиб беради. Исроилда ана шундай машиналарни йиғадилар. Бизда эса вертикал шпинделли машиналар ишлаб чиқарилади. Сўнгра биргаликда тайёрланган ана шундай машина пахта текширилади. Синовлар муваффақиятли бўлса, «Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги» бирлашмасида қўшма корхона барпо этиш учун чинакам имконият вужудга келади. Бу эса ҳамма учун фойдалидир.

В. ДРАЧЕВ,
УзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

РОССИЯ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 1961 — 1992 ЙИЛЛАР НАМУНАСИДАГИ СССР ДАВЛАТ ХАЗИНА БИЛЕТЛАРИНИ, СССР ДАВЛАТ БАНКИ БИЛЕТЛАРИНИ ВА РОССИЯ БАНКИ БАНКНОТЛАРИНИ МУОМАЛАДАН ЧИҚАРИШ ҲАМДА РОССИЯ БАНКИНИНГ 1993 ИИЛ НАМУНАСИДАГИ БАНКНОТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТУҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА

«Ўзбекистон Республикасининг пул тизими тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда Россия Марказий банки 1961 — 1992 йиллар намунасидаги СССР давлат хазина билетларини, СССР Давлат банки билетларини ва Россия Банкининг банкнотларини 1993 йил 26 июлдан бошлаб муомаладан чиқаришга қарор қилганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ушбу масала бўйича Россия Федерацияси Марказий банкининг хабари ва Россия Федерацияси Ҳукуматининг Баёноти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Республикада 1961 — 1992 йиллар намунасидаги пул билетларини олиб қўйиш ва Россия Банкининг 1993 йил намунасидаги банкнотларини жорий этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш учун Республика Ҳукумати комиссияси тузилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли комиссиялар тузсинлар.

3. «Ўзжамғармабанк», бошқа тижорат банклари, Алоқа вазирлиги 1993 йил 26 июлдан бошлаб собиқ ССР Иттифоқи мамлакатларидан 1961 — 1992 йиллар намунасидаги СССР давлат хазина билетларини, СССР Давлат банкининг билетларини ва Россия Банкининг билетларини тўловларининг барча турлари учун қабул қилиб олишни тўхтатсинлар.

Жамғармалар банкининг ҳудудий органлари омонатларни яшаш жойи бўйича паспортда прописка тўғрисида белги мавжуд бўлган тақдирда фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан қабул қилишни амалга оширсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1993 йил 30 июлгача Россия Банкининг 1993 йилда чиқарилган намунадаги нақд пул белгиларини олиб келишни ва 1993 йил 8 августгача иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва бошқа хилдаги ойлик тўловларни тўлашни таъминласин.

Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон авиакомпанияси Россия Банкининг 1993 йилда чиқарилган зарур банкнотларининг Россия Федерациясидан белгиланган жойгача хавфсиз ва ўз вақтида етказиб берилишини таъминласинлар.

5. «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси (Усмонов), Ўзбекбирлашув (Волков), савдо тармоғига эга бўлган вазирликлар ва идоралар:

саноат, хўжалик, маданий, спорт товарларини ва бошқа ноозиқ-овқат товарларни сотувчи дўконлар ва бўлимларда шу йилнинг 26 июлидан бошлаб қайтадан ҳисоблашни ташкил этсинлар;

ўз тизимларининг улгуржи бўғинларида товар ресурсларининг тўпланиб қолиши бўйича шошилинч чора-тадбирлар кўрсинлар.

6. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси тегишли вазирликлар, идоралар ва муассасалар билан биргаликда 1961 — 1992 йиллар намунасидаги пул белгиларини Россия Банкининг 1993 йил намунасидаги банкнотларига алмаштириш тартиби ва муддатлари тўғрисида бир ҳафта муддатда Республика Ҳукуматига таклифлар киритсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси 1993 йил 26 июлдан бошлаб собиқ СССР ва Россия Федерациясининг 1961 — 1992 йиллар намунасидаги Ўзбекистон Республикасига келтирилаётган пул белгиларининг бир киши ҳисобига 15 минг сўмдан ортиқчасини белгиланган тартибда олиб қўйсин ва мусодара қилсин ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муассасаларига топширсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, корхоналар ва ташкилотлар томоиндан товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетиш нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича ёхуд товарни бартер йўли билан етказиб бериш бўйича белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Юкларни автомобиль, темир йўл, ҳаво ва дарё транспорти орқали ташишни амалга оширувчи вазирликлар ва идораларга олиб чиқиб кетилаётган юк бўйича ҳужжатларни тегишли равишда расмийлаштирмасдан маҳсулотларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш учун транспорт воситалари бериш тақиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари К. Н. Тўлаганов трамвайда, троллейбусда, автобусда, метрода ва шаҳар атрофига қатнайдиган транспортда (таксидан ташқари) юриш учун ҳақ тўлашнинг вақтинчалик жетон тизимини ишлаб чиқишни ва уни жорий қилишни шу йилнинг 10 августигача таъминласин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил, 26 июль.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАРКАЗИЙ БАНКИ

АХБОРОТИ

Россия ҳудудида 1993 йил намунасидаги пул белгилари жорий этилиши ва 1961 — 1992 йиллар намунасидаги пул белгилари 1993 йил 8 августдан муомаладан олиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки Ўзбекистон аҳолисига қуйидагиларни маълум қилади:

1. Ўзбекистон рубль зонасида қолиб, Ўзбекистон ҳудудида пул муомаласи Россиянинг Марказий банки чиқарган 1993 йил намунасидаги пул белгиларига ўтказилиши тўғрисида ва 1961 — 1992 йиллар намунасидаги пул белгилари астасекин муомаладан олиниши тўғрисида Россия ҳукумати ва Марказий банки билан битимга эгадир.

Ўзбекистон ва Россия корхоналари, шунингдек рубль зонасида бўлган бошқа давлатлар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ўзгармайди.

2. Ўзбекистон ҳудудида янги валютага ўтилиши Россиядан унинг олиб келинишн ва жойларга етказилиши билан жорий қилинади.

1961 — 1992 йиллар намунасидаги барча пул белгилари ушбу масалалар ҳал этилгунча муомалада бўлиб, республика ҳудудидаги истисносиз барча муассасалар ва ташкилотлар уларни қабул қилиб олишлари зарур.

3. Янги пул белгилари жамғарма кассалари ва марказий банкининг жойлардаги муассасалари орқали чекланмаган ҳажмда ва белгиланган тартибда алмаштирилади. Бу ҳақда ва муддатлар тўғрисида қўшимча равишда хабар қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки

ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

БИРИНЧИ НАВБАТИ БИТДИ

ФАРҒОНА, Марғилон шаҳарлари ва Тошлоқ тумани аҳолиси кунига қўшимча 40 минг кубометр чучук сув оладиган бўлишади.

ШУ МАҚСАДДА қурилаётган Пакана-Лоғон сув омборининг биринчи навбати ишга тушди. Энди бутун саъй-ҳаракат бу зарур иншоотни тезроқ тўла қуриб битказишга қаратилмоқда.

КОЛЛЕЖГА АЙЛАНДИ

МАРҲАМАТ шаҳридаги гидромелиорацин техникуми янги ўқув йилидан мелиорация ва сув хўжалиги коллежи сифатида иш бошлайди.

КОЛЛЕЖДА автомат курилмалардан фойдаланиш ихтисосига эга бўлган кичик муҳандислар тайёрланади. Кундузги ва кечки бўлимларда таълим олувчи 376 талабага автомобил ва двигателларни таъмирлаш, соллаш ва гидротехника иншоотларини қуриш касблари ҳам ўргатилади.

Коллежни «аъло» баҳода битирганлар Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтининг 3-курсига имтиёзли шартларда қабул қилинади.

МАХСУС ДАСТУР

АНДИЖОН шаҳар маданият уйидаги «Идель» татар-бошқирд фольклор-этнографик ансамбли байрамга аталган сафар режасини белгилади.

МУСТАҚИЛЛИК куни арафасида ҳаваскор артистлар водийнинг шаҳар ва туманларида, Қирғизистоннинг Кўчқорота ва Ғулча шаҳарларида Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Россиянинг ўрта минтақаси халқларининг миллий қўшиқ ва рақсларидан махсус тайёрланган дастурларни намойиш этадилар.

ТАЪТИЛНИ «ЛОЧИН»ДА УТКАЗИШАДИ

ШАҲРИСАБЗ туманидаги Оқсув дарёсининг ҳушманзара қирғоғида жойлашган бу саналорий сирасидаги соғломлаштириш лагери «Артек»дан қолишмайди.

«ЛОЧИН»да тажрибали врачлар, муаллимлар, тарбиячилар, маданий-оммавий тадбирларни уюштириш усталари хизмат қилишади.

Ҳозир бу ерда 500 га яқин ўғил-қиз ёзги таътилни ўтказмоқда. Қашқадарёлик болалар учун йўлланма деярли текин: ҳаражатнинг кўп қисмини Қашқадарё вилоят касаба уюшмаси кенгаши ўз зиммасига олди.

ФАКТЛАР ✲ ВОҚЕАЛАР ✲ ЯНГИЛИКЛАР ✲ ФАКТЛАР ✲ ВОҚЕАЛАР ✲ ЯНГИЛИКЛАР

• *Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги олдидан*



Бу йўллар бизни дунё саҳнига олиб чиқади

ПОЙТАХТДАГИ АМИР ТЕМУР ХИЁБОНИДАН РЕПОРТАЖ

Замонанинг зайли билан иккинга ажратиб ташланган Олмония яна қайта бирлашгач, «социалистик Олмония»нинг катта шаҳарларидан бирининг энг гавжум жойида қўр тўкиб турган «пролетариат доҳийси» Карл Марксининг ҳайкалини нима қилишни билмай, немисларнинг роса боши қотиб, ўйлади. Уни бутунлай қўпориб ташлайлик, дейишса, яқин-ёмонми, барибир ўзларидан чиққан (қолаверса, султон суяғини ҳўрламас, деган нақл ҳам бежиз тўқилмаган, ахир). Тураверсин, дейишса, буниси ҳам тўғри келмайди. Немислар ўйлай-ўйлай ахийри бунинг ҳам чорасини топишибди: ҳайкалнинг пойига зарҳал ҳарфлар билан... «Бутун дунё пролетарлари, мени кечиринглар!», деган сўзларни ёзиб қўйишибди.

Бу латифанамо воқеани ўқиб немисларнинг топқирлигига қойил қолишингиз табиий. Улар-ку, нонлож шундай қилишга мажбур бўлишган. Аммо бизга бунинг заррача даҳли йўқ. Социализм даҳоларининг ҳайкалларн шунча вақт кўча-кўйларимизнн, боғу хиёбонларимизни «безаб», гердайиб тургани етар. Қолаверса, ўзимизда ҳам ҳар қанча ғурурланса арзийдиган, том маънодаги буюк тарихий шахслар беҳисоб. Мустақиллигимиз шарофати туфайли биз ана шундай даҳоларимизнинг қадрига ета бошладик.

Яқин-яқингача пойтахтимизнинг энг сўлим гўшаларидан бирининг қоқ марказида Карл Марксининг юксак устунга ўрнатилган тош калласи салобат тўкиб турар, боғ эса Инқилоб хиёбони дея аталар эди. Эндиликда шаҳар ҳокимнинг қарори билан унинг ўрнига буюк бобокалонимиз, жаҳонгир Амир Темурнинг ҳайкали ўрнатилиб, боғ ҳам ул зотнинг муборак номлари билан аталадиган бўлди. Бу воқеа ҳар қанча таҳсинга лойиқ, албатта. Айни дамларда хиёбонда тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Ўрнатилажак ҳайкалнинг пойдевори қуриб битказилиш арафасида. Ушбу юмушни «Ташметрострой»нинг бир гуруҳ қурувчилари амалга ошираётир. Бригада бошлиғи Руслан Салоҳиддиновнинг айтишича, улар ўзларига бириктирилган майдондаги ишларни тезроқ ниҳоясига етказиш мақсадида тинимсиз тер тўкишяпти.

Бундай ташқари, хиёбонда ободонлаштириш ишлари ҳам олиб борилаётир. Йўлаклар таъмирланиб, боғни суғоришга мўлжалланган фавворалариниг эскирган қувурлари алмаштирилмоқда.

Боғ эса тобора яшнаб боряпти. Истиқлол байрамининг иккн йиллиги куни бу ерда халқимиз куч-қудратининг рамзи бўлмиш Амир Темур бобомизнинг салобатли, шижоатли улкан ҳайкали қад ростлайди. Зеро, ўша дақиқаларни биз қачонлардан бери орзу қилар эдик. Худога шукрки, миллий қадриятларимиз тикланаётган бугунги ёруғ кунларда орзуларнмиз ҳам ушалмоқда.

Пойтахтимизнинг еттита шохкўчаси Амир Темур хиёбонида ўзаро туташиб кетади. Бунда ҳам улкан бир рамзий маъно бордек, назаримда. Зеро, улуғ бобомиз ҳайкали жойидан бошланган ана шу йўллар бизни дунё саҳнига олиб чиққусидир.

Ғафур ШЕРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТЛАРДА: хиёбонда таъмирлаш ишлари қизғин.
Ш. ИБРОҲИМОВ олган суратлар.

Мустақиллик — ТАҚДИРИМИЗДА

БИЗНИНГ АНКЕТА

1. Истиқлол Сизнинг тақдирингизда қандай аҳамият касб этмоқда?

2. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссангиздан кўнглингиз тўладими?

3. Ўзбекистоннинг келажагини қандай орзу қиласиз?



Маҳмуджон ЮСУПОВ,
Тошкент шаҳар ДАН бошқармаси бўлим мудири:

1. Инсон ҳақиқатга ташна бўлиб яшайди. Уни ердан топа олмаган пайтларида худога илтижо қилади. Биз узоқ вақт асл ҳақиқатни билмай яшадик. Ватан ннма, миллат ннма унутдик.

Бизни болаликдан ёлғонга ўргатишди: дарсда ҳам ҳаётда ҳам ёлғон эшитиб, ёлғон айтиб улғайдик.

Агар адашмасам, «Кўр кўзнинг очилиши» деган ҳикоя бор. Бизни бундан икки йил олдинги ҳолатимизни ҳудди ана шунга қиёс қилиш мумкин. Истиқлол туфайли кўзларимиз равшан тортди, тенглар ичра тенг давлат ва фуқаро бўлдик.

Илгари ҳатто собиқ СССР ҳудудида «Сиз қаердан бўласиз», деб сўрашса, «Ўзбекистондан, Тошкентдан», десак: «У қаерда, СССРдами?» деб тааҗжуб билан қайта сўрашарди.

Биз энди Ватанни топдик, миллатни танндик, жаҳон бизга, биз жаҳонга интилиб яшаяпмиз. Унинг ҳаммаси истиқлол шарофати, шафоатидан. Шундай экан, уни шарафламай, кўкка кўтармай бўладими?

2. Мустақилликни мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бир кишининг иши эмас. У Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросидан чуқур билим, садоқат ҳамда фидойилик талаб қилади.

Очиқ гап ҳали ҳаммамиз ҳам лоқайдлик, карахтлик касалидан бутқул форғ бўла олганимиз йўқ. Ҳар бир киши ўзига ўзн мен Ўзбекистон учун нима қилдим ва қилишим керак, деб савол бермоғи лозим.

Менингча кимда ким ўзига тегишли соҳани қойилмақом қилиб уддалай олса, унинг эртаси ва бугуни учун астойдил қайгурса, ҳалол меҳнат қилса мустақилликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси шу бўлади.

3. Яқинда таниқли бир иқтисодчи билан суҳбатлашиб қолдим. У киши Ўзбекистон қисқа вақт ичида ривожланаётган мамлакатлар қаторидан ўрин олади, деб мени ишонтирди.

Бнтта орзум бор: дунённ қайси чеккасида бўлмай «Сен қаердан?» деб сўрашса, «Ўзбекистонданман» десам, улар менга мудом ҳайрат билан қарашса. Ўзбекистон келажаги ана шундай бўлишини орзу қиламан.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни *Лойиҳа*

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, шаҳар ва шаҳарчаларнинг, қишлоқ ва овулларнинг маҳаллаларида 2,5 йилга раис (оқсоқол) ҳамда унинг маслаҳатчиларини сайлайдиган фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашади, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти органларига Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг, халқ депутатлари Кенгашлари ва тегишли ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради.

2-модда. Ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудий принцип бўйича тузилади. Ўзини ўзи бошқариш органлари иш олиб борадиган ҳудудларни фуқароларнинг таклифига кўра туман, шаҳар ҳокими белгилайди, ушбу қарор кейинчалик тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Йиғинлар ишида ўн саккиз ёшга етган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар қатнашади.

3-модда. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, уларнинг фаолият кўрсатишини ташкил этиш ҳамда ваколат кўлами ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солиб турилади.

4-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади ва герб тасвири туширилган, белгиланган намунадаги муҳрига эга бўлади.

II. ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИНИ ЧАҚИРИШ ТАРТИБИ

5-модда. Фуқаролар йиғинини раис (оқсоқол) тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки ҳоким билан келишган ҳолда заруратга қараб чақиради. Фуқаролар йиғини, шунингдек халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким томонидан ёки ўн саккиз ёшга етган ва ушбу ҳудудда яшаётган фуқаролар учдан бир қисмининг ташаббуси билан чақирилиши мумкин.

6-модда. Йиғин чақиришнинг иложи бўлмаган тақдирда фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади. Йиғилишларга кўчалар ва турар-жой биноларидан, маҳаллалардан ва бошқа ҳудудий тузилмалардан фуқароларнинг намояндалари вакил қилиниши мумкин. Вакиллик меъёрларини тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки туман, шаҳар ҳокими белгилайди. Йиғилиш ишида ўн саккиз ёшга етган ва мазкур ҳудудда яшовчи фуқаролар қатнашадилар.

7-модда. Фуқаролар йиғинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча яшовчиларнинг ярмидан кўпроғи уларга келган тақдирда йиғинлар ваколатли ҳисобланади, вакиллар йиғилишлари эса уларга делегатларнинг камида учдан икки қисми келган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

8-модда. Фуқароларнинг йиғини (йиғилиши)ни олиб бориш учун раёсат сайланади. Йиғин (йиғилиш)ни раис (оқсоқол) ёки унинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради. Ҳамма масалалар бўйича қарорлар очиқ овоз бериш орқали ва оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

9-модда. Фуқароларнинг ҳар бир йиғини (йиғилиши)да баён юритилади, унда йиғин (йиғилиш) ўтказилган сана, ҳозир бўлган фуқаролар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар ҳам қайд этилади. Йиғин (йиғилиш) баёни ва қарорларини раис (оқсоқол), унинг йўқлигида эса маслаҳатчиларидан бири имзолаб, тегишли туман, шаҳар ҳокимига юборади.

III. РАИС (ОҚСОҚОЛ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ

10-модда. Раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини фуқаролар йиғини (йиғилиши) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишган ҳолда сайлайди.

11-модда. Маслаҳатчиларнинг миқдор таркибини йиғин (йиғилиш) белгилайди. Маслаҳатчиларнинг номзодларини йиғин (йиғилиш)га раис (оқсоқол) тавсия этади.

12-модда. Раис (оқсоқол) ва маслаҳатчилар уларга йиғин (йиғилиш)да ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи овоз берса, сайланган ҳисобланадилар.

13-модда. Раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари тегишли ҳудуддан ташқарига чиқиб кетсалар, туман, шаҳар ҳокимининг таклифига биноан ёки йиғин (йиғилиш) қатнашчилари камида учдан бир қисмининг ёзма талабига кўра муддатидан илгари қайта сайланиши мумкин.

IV. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МОЛИЯВИЙ НЕГИЗИ

14-модда. Ўзини ўзи бошқариш органлари қурган, сотиб олган ёки белгиланган қонуний тартибда уларга берилган жамоат объектлари, ижтимоий-маиший ва бошқа объектлар, шунингдек, сотиб олинган транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ҳамда бошқа мол-мулк ўзини ўзи бошқариш органларининг мулкидир.

15-модда. Ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий ресурслари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан ажратиладиган бюджет маблағларидан, фуқаролар ва меҳнат жамоаларининг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан, хайрия жамғармалари ажратиб берадиган маблағлардан таркиб топади.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий маблағлари банкдаги мустақил счётларда сақланади, улар томонидан мустақил тасарруф этилади ва олиб қўйилиши мумкин эмас.

V. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

16-модда. Фуқароларнинг йиғини (йиғилиши):

ўзини ўзи бошқариш органининг фаолият дастури ҳамда харажатлар сметасини, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилашга доир тадбирлар режаларини тасдиқлайди, раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари ишининг асосий йўналишларини белгилайди, ҳар йили уларнинг ҳисоботларини тинглайди;

ўз ҳудудидаги ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш учун аҳолининг, мулкчиликнинг барча шаклидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади, пул маблағлари сарфланиши устидан назорат қилишни ташкил этади, зарур бўлганида тафтиш комиссияси тузади ва ушбу комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

қонунларда белгиланган тартибда ўз ҳудудида кичик корхоналар, кооперативлар, устахоналар, халқ ҳунармандчилиги цехларини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

йиғин, маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг чегараларини ўзгартиришга, кўча, майдон ва бошқа жойларнинг номини ўзгартиришга доир масалаларни кўриб чиқади ҳамда тегишли давлат органларига таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

17-модда. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини (йиғилиши) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан келишган ҳолда савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари аҳоли учун қулай соатларда ишлашини белгилайди, маъмурий комиссия тузади.

18-модда. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини (йиғилиши) раиснинг (оқсоқолнинг) шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун ажратиб бериладиган ер участкалари тўғрисидаги тақдимномасини, раиснинг (оқсоқолнинг) корхоналарга, муассасаларга, фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер бериш ҳамда бу субъектларнинг ерларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқларини тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг эгалигидаги ерлар таркибига кирмайдиган, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари чегарасидаги ерларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорларини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ер муносабатлари соҳасидаги бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

VI. УЗИНИ УЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

19-модда. Йиғин раиси (оқсоқоли) ва йиғин раиси тайинлайдиган котиб йиғин қарорлари бажарилишини, шунингдек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жорий фаолиятини ташкил этади ва амалга оширади. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини раиси (оқсоқоли) ўз девонига эга бўлиб, унинг миқдори халқ депутатлари туман Кенгаши ёки туман ҳокими билан келишилган ҳолда йиғин (йиғилиш) томонидан белгиланади.

Раис (оқсоқол), котиб ва девон ходимларига туман, шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади.

20-модда. Котиб ҳамда йиғин раиси (оқсоқоли) девонининг ходимлари умумий йиғилишлар ўтказишга доир материаллар тайёрлайди, фуқароларнинг йиғини ҳамда йиғин раиси (оқсоқоли) қарорлари ижрочиларга ўз вақтида етказилишини кузатиб боради, иш қоғозларини юритади, ҳужжатлар сақланиши учун жавоб беради, фуқароларга бериладиган маълумотномаларни расмийлаштиради, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги ҳарбий хизматга мажбур шахсларни ва чақирилувчиларни дастлабки тарзда ҳисобга олинишини таъминлайди, раис (оқсоқол) топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилаб бериладиган ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари доирасида бошқа ишларни амалга оширади.

21-модда. Жамоатчилик асосида ишлайдиган раис (оқсоқол) маслаҳатчилари ўртасидаги вазифалар тақсимоти раис (оқсоқол) тақдимига кўра фуқароларнинг йиғини (йиғилиши) томонидан амалга оширилади.

VII. РАИС (ОҚСОҚОЛ)НИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

22-модда. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли):

Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва маҳаллий ҳокимият органларининг қарорларини бажаришга доир ишларни ташкил этади, фуқароларнинг моддий ва уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилади;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, суд идораларида, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан бўладиган муносабатларда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қила олади;

фуқароларнинг ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда, оммавий-сиёсий тадбирларда қатнашишларини ташкил этади, аҳолига савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатилишини яхшилашга кўмаклашади;

дўконлар, ошхоналар, чойхоналар, бозорлар иши, савдо қоидаларига риоя этилиши, харидорларга маданий хизмат кўрсатиш таъминланиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил қилади;

аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, уй-жойлар, мактаблар ва бошқа муассасаларнинг санитария ҳолати устидан назорат қилинишига кўмаклашади;

қабристонлар, қардошлик қабрлари ва бошқа мозорларни саранжом сақлаш юзасидан жамоатчилик ишларини ташкил қилади;

алоқа органларига маҳаллий телефон ва почта алоқасини ривожлантиришда, радиолаштириш борасида, маҳаллий алоқа иншоотларини муҳофаза қилишда ёрдам беради;

эгасиз мол-мулкни, шунингдек давлатга мерос тарзида ўтган мол-мулкни сақлаш ва тасарруф этиш чораларини кўради;

деҳқон хўжаликларининг оилавий мулк тақсимотларини рўйхатга олади, ўз ҳудуди доирасида яшовчиларни ҳисобга олиб боради;

шаҳарча, қишлоқ ва овуллар ҳудудидаги ерларнинг ишлатилиши ва муҳофаза этилиши устидан назорат қилади, фуқаролар йиғини (йиғилиши) муҳокамасига ер муносабатларини тартибга солиш масалаларини киритади;

Иморат қуриш қоидаларига риоя этиш, хонадонлар ораста бўлиши, мол сақлашга оид ветеринария қоидаларини бажариш устидан жамоат назоратини ташкил қилади;

аҳолидан солиқ, суғурта ва бошқа хилдаги тўловлар ўз вақтида тушишига кўмаклашади;

аҳоли пунктларида ёнғинга қарши тадбирлар ўтказишни ташкил этади, зарур бўлганида эса табиий офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатини тугатишга фуқароларни жалб этади;

тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашади;

ҳарбий хизматга мажбур шахслар ва чақирилувчиларни ҳарбий комиссариатларга чақирилаётганликларидан хабардор этишни ташкил қилади, аҳолини фуқаро мудофаасига доир тадбирлар ўтказишга жалб этади;

давлат ва жамоат органларига ногиронлар, боқувчисидан маҳрум бўлган оилалар, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, шунингдек табиий офатлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида таклифлар киритади;

вояга етмаганлар назоратсиз қолишининг олдини олишга доир жамоатчилик ишларини ташкил этади, ота-онасининг қарамоғисиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга, шунингдек, ёшларни ишга жойлаштиришга кўмаклашади;

аҳоли орасида лекция, маъруза ва суҳбатлар ўтказишни ташкил қилади, фуқароларга мунтазам равишда кино хизмати кўрсатишга, китоб савдосини ривожлантиришга, газета ва журналларнинг тарқатилишига ёрдамлашади, меҳнаткашлар оммавий равишда дам оладиган ҳудудларни ташкил этишга, спорт иншоотлари тармоғини ривожлантиришга кўмаклашади;

тегишли ҳудудда давлат байрамлари ва шонли саналар муносабати билан оммавий тадбирлар ўтказишни ташкил қилади;

давлат органларига фуқаролар йиғини (йиғилиши)нинг кўча ва майдонлар, аҳоли пунктлари таркибий қисмининг номини ўзгартириш, уйларни рақамлаш чиқиш хусусида таклифлар киритади;

фуқароларни қабул қилади, фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқади, улар юзасидан зарур чоралар кўради;

фуқароларга уларнинг шахсини, оилавий ва мулкий аҳволини тасдиқловчи маълумотномалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар беради;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

23-модда. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролари йиғинининг раиси (оқсоқоли) фуқаролик ҳолати актларини рўйхатга олади, айрим нотариал хатти-ҳаракатларни амалга оширади.

VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

24-модда. Ўзини ўзи бошқариш органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида қарорлар қабул қиладилар, бу қарорларни тегишли ҳудудда яшайдиган барча фуқаролар адо этишлари шарт. Ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунларга зид ҳужжатларини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ёки тегишли ҳокимлар бекор қиладилар.

25-модда. Ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, шунингдек, раис (оқсоқол)нинг ҳатти-ҳаракатлари устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

* * *

Қонун лойиҳасига доир таклиф ва мулоҳазаларингизни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитасига юборишингизни сўраймиз.

• *Ўзбекистон ва жаҳон*

Ипак йўли ҳамкорликка чорлайди



Машойихлар оламида иккита йўл бор, бири—Сомон йўли, ундан руҳлар юришади, иккинчиси — Буюк ипак йўлидан эса пайғамбар қаткайди, ҳар иккала йўл ҳам одамларни бирлаштиради, адашганларни йўлга солади, илоҳо, ҳар бир инсонга шу икки йўлни ато этган бўлсин, дейишади.

Бу сўзлар дунёда рўй бераётган жуғрофий ва сиёсий ўзгаришлар натижасида янгича мазмун касб этмоқда. Кўҳна Буюк ипак йўли Шарқу Ғарб мамлакатлари ўртасида қарор топаётган самарали ҳамкорликнинг ўзига хос рамзи бўлиб қолди. Бунга Европа ва Осиё мамлакатларининг Туркияда нашр этилаётган «Ипак йўли» маданий-иқтисодий журналини мисол келтириш мумкин. Яқинда мазкур журналнинг 2-сони босмадан чиқди.

Журнал Буюк ипак йўли бўйида жойлашган мамлакатлар ҳаётининг турли жабҳаларига оид ранг-баранг материалларга бой. У журналнинг бош директори Ойхон Куртўғлининг кириш сўзи билан очилади. Журнал Туркия жумҳурияти-нинг 9-Президенти этиб сайланган Сулаймон Демирэл жаноблари-нинг таржимаи ҳоли ва сиёсий фаолиятига оид мақола, шунингдек, мамлакат раҳбарлигига номзод бўлган бошқа сиёсатдонлар ҳақида қисқача маълумотлар чоп этган. Ундан Туркиянинг сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётига оид янгиликлар, хабарлар ҳам ўрин олган. Хусусан, XVI асрда яшаб ўтган меъморлар меъмори Ҳўжа Синон қурган масжидлар, мадрасалар ва бошқа меъморий обидалар тўғрисида маълумот берилган. Таъкидланишича, Ҳўжа Синон жами 362 та бино қурган экан.

«Ипак йўли» саҳифаларида Марказий Осиё жумҳуриятларига кенг ўрин ажратилган.

Шу йил 13—14 май кунлари Бельгия Қироллиги пойтахти Брюссель шаҳрида бўлиб ўтган «Европа форуми»да Ўзбекистон Бош вазирининг муовини У. Султонов ҳам иштирок этиб, маъруза қилган эди. «Ипак йўли» мазкур маъруза баённини чоп этган.

Ипак йўли ўтган мамлакатлар ўртасида замон талабига жавоб берадиган иқтисодий, савдо-сотиқ ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни йўлга қўйиш учун, аввало, кейинги асрда барҳам топган маданий алоқаларни кучайтириш лозим. Журналда умумтурк адабиётининг етук намояндаси, буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ҳақида мақола чоп этилган. Мақола сўнгида Алишер Навоий вақфи раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг мурожаати босилган. Унда вақфни тузиш мақсад ва вазифалари хусусида сўз юритилади.

Маълумки, ҳозир қардош Туркия диёрида Марказий Осиё республикаларидан кўплаб йигит-қиз таълим олмоқда. «Мулоҳазалар» рукни остида ўша йигит-қизлардан бир гуруҳининг қисқача таржимаи ҳоли ҳамда Туркия ҳақидаги таассуротлари берилган.

«Ипак йўли» истиқлолга эришган Марказий Осиё жумҳуриятларидаги ижтимоий-сиёсий вазият, уларда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, маданий ҳаётига оид янгиликлар, республикалар аҳолиси тўғрисида статистик маълумотлар бериб боришни режалаштирган.

Журналнинг навбатдаги сонларидан бири Ўзбекистон Республикасига бағишланади.

(ЎзА).

• *Иқтисодиёт чорраҳаларида*

КРЕДИТ КИМГА ФОЙДА-Ю КИМГА ЗИЁН?

Бугунги кунда бозор иқтисодиётн муносабатларига яна ҳам чуқурроқ кириб борар эканмиз, корхона ва ташкилотларнинг давлат кредит маблағларига ҳамон кўз тикишлари иқтисодиётимизнинг олға силжишига салбий таъсир этади. Усиз ҳам ижтимоий соҳа, янги тармоқни йўналишлар эҳтиёжларини қондириш учун кўплаб давлат маблағларн сарф этилмоқда. Шу важдан корхона ва ташкилотлар имкон қадар ўз сармояларига эга бўлиб, тижорат қарзлари билан иш кўришлари лозим. Бироқ бунн изчил амалга оширишнинг ўзига хос муаммолари мавжуд. Уларнинг ечими қандай бўлиши керак! Қаршн шаҳар тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Александр ЛЫХИН ўз таклифларини билдиради.

— Суҳбатимиз аввалида корхонада ишлаб чиқариладнган маҳсулотлар турлари ва уларнинг сифатн ҳақида айтсангиз?

— Корхонамиз асосан эркаклар ва ўғил болалар кўйлакларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шунингдек, қўшимча равишда аёллар ва чақалоқларнинг турли кийим-кечакларини ҳам тайёрлаймиз. Маҳсулот сифатига келсак, у асосан хомашёнинг қай даражада эканлиги, асбобускуналарнинг замонавийлиги ва ишчиларнинг малакаси билан боғлиқ.

Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг харидоргир бўлишини таъминлашнинг яна бир чораси уларни чет эл фирмалари каби чиройли кўринишида бўлишига эътибор беришдир. Ўйлайманки, биз бунинг уддасидан чиқаямиз.

— Хусусан, ҳозирги оғир шароитда корхонанинг хомашё билан таъминланиши қандай кечмоқда?

— Республикамиз ўз мустақиллигига эришган дастлабки пайтларда иқтисодий узилишлар туфайли Укранна ва Белорус республикалари корхоналаридан мато келмай қўйди. Шу орада биз Фарғона, Андижон, Бухоро каби ипгазламалар ишлаб чиқариш бирлашмалари билан алоқалар ўрнатиб мавжуд тангликни бартараф этдик. Бироқ, бу борадаги муаммолар тўлалигича ўз ечимини топгани йўқ. Масалан, Наманган ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасига қайта ишланган толалар Белорус республикаларидан келиб тушади. Демак бу ерда пул ҳисоб-китоблари икки ёқлама бўлади, яъни Белорус пахта хом ашёси учун пул ажратса, Наманган қайта ишланган тола учун ажратди. Бундай айланма ҳисоб-китоб кўп вақт олиши билан бирга газламанинг таннархини ҳам ошириб юборди. Охир-оқибат сўнгги истеъмолчи бўлган бизнинг корхонамиз фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳолни бартараф этиш учун истеъмолчи корхоналар тола ва газлама учун тўловни пахта заводи билан, яъни бир томонлама ва қисқа муддатда олиб бориши зарур бўлади.

— Корхона маҳсулотларн рақобатга, хусусан, жаҳон бозори талабларига мосми? Хорижий тикувчилик фирмалари билан ҳамкорлик қандай самаралар бермоқда?

— Ҳар бир корхонанинг ўз маҳсулотини жаҳон бозори талабларига мос равишда ишлаб чиқариш давлатимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашнинг муҳим омилидир. Шу мақсадда, биз ҳам хорижий фирмалар билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш масаласига жиддий эътибор бермоқдамиз. Республикамиз Президенти И. Каримов ҳам ўзининг «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» номли рисоласида «...илғор хорижий фирмалар билан алоқа боғламаган ва битимлар тузмаган бирорта ҳам корхона бўлмаслиги даркор» деб бежиз таъкидламаган. Бу бизга корхоналаримизни замонавий асбоб-ускуналар, илғор технология билан таъминлаш, ишчиларимиз малакасини ошириш имконини беради. Пировардида, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз сифати ошади. Шу мақсадда биз ҳам «Каримпекс» Америка қўшма корхонаси билан иқтисодий шартнома тузганмиз. Бу қўшма корхонанинг хусусияти шундан иборатки, унинг таркибига уруғ тайёрлаш корхоналаридан тортиб, тайёр саноат маҳсулотларини реализация қилувчи корхоналар ҳам киради. Бу йил пахта далаларига шу қўшма корхонада етиштирилган уруғлар ҳам экилди. Ҳосилдорликнинг 20—25 фоизга ошиши кутилмоқда. Шунингдек, қўшма корхона ўзимизда тикувчилик фабрикаси қуриб, тайёрланган тола ипларидан сифатли кийим-кечаклар тикишни режалаштирмоқда.

— Сизларда асосан хотин-қизлар меҳнат қилишар экан. Сўнгги пайтларда эса уларни ишлаб чиқаришдан тамомила озод қилиш ёки улар учун яна ҳам қисқартирилган иш соатларини жорий этиш ҳақида кўп айтилмоқда. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Жаҳондаги ҳеч бир давлатда, хусусан, ривожланган мамлакатларда аёлларнинг ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилиш ҳуқуқи инкор этилмаган. Уларни ўзларига мос бўлган иш билан таъминлаш эса бошқа масала. Менимча, тикувчилик айнан хотин-қизлар касби. Корхонамизда эса аёллар ва уларнинг фарзандларини ҳимоя қилиш, кўнгилли дам олишларини таъминлаш борасида барча зарур чоралар кўрилган.

— Тайёр маҳсулотлар реализацияси билан боғлиқ муаммолар мавжудми? Агар бўлса, уларни бартараф этиш учун нималар қилиш керак?

— Маҳсулот реализациясини тезлаштириш нафақат унинг сифатига, балки савдо расталарига мумкин қадар арзон нархда чиқара олишимизга ҳам боғлиқ. Бу ўринда ҳам мавжуд муаммоларни таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бугунги кунда банк тизимидаги пул харажатларн билан боғлиқ жараёнларнинг ўз вақтида амалга оширилмаётганлиги туфайли реализация қилнинган маҳсулотларимиз учун тушган маблағларни ўз вақтида ололмаётганимиз ишлаб чиқаришга салбий таъсир этмоқда. Масалан, ўтган ойда реализация қилинган маҳсулотимиз учун тўланган 120 миллион сўмни ўз вақтида ололмадик. Бу бизда ишлаб чиқаришнинг узилиб қолиш хавфини туғдирди. Ва 100 миллион сўм кредит олишга мажбур бўлдик. Олинган бу кредитнинг ўзига хос зарарли жиҳатлари бор:

Биринчидан, агар корхонамиз сотилган маҳсулотн учун пулни ўз вақтида олганда эди, бу кредит олинмаган ва у халқ хўжалигининг маблағга зориқиб, чорасиз қолган тармоқларига берилиши мумкин эди;

Иккинчндан, кредит учун тўланадиган фоизни қоплаш учун маҳсулот таннархи оширнлади, бу эса харидор чўнтагига жабр;

Учинчидан, кредитни олиш ва қайтариш вақтида бир қанча қўшимча жўжалик операциялари ва оварагарчиликларга йўл қўйилади.

Бундан ташқари корхона маҳсулоти учун тўланган пул ўз вақтида келиб тушмаслиги оқибатида кундан-кунга кучайиб бораётган инфляция туфайли қадрсизланнб бормоқда, яъни маблағ бирлашма ҳисобига тушгунга қадар, ҳатто, маҳсулотнинг таннархини қоплай олмайдиган даражага тушиб қолмоқда.

Бу ўринда шуни таклиф қилмоқчиманки, бизнинг банк системамнзни ҳам чет эллардаги каби такомиллаштириш лозим. Акс ҳолда барча корхоналар маҳсулот реализациясидан фойда олиш ўрнига зарар кўраверадилар.

Маҳсулот реализациясини тезлаштиришнинг яна бир воситаси рекламага зўр беришдир. Биз рекламанинг барча усулларидан фойдаланишни йўлга қўя олишимиз зарур.

— Бирлашмангизда малакали кадрларни танлаш ва уларни тайёрлаш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

— Ҳар қандай иқтисодий қийинчилик бўлишидан қатъи назар малакали кадрлар масаласи биринчи даражадаги вазифамиздир. Бу борада бизнинг «Меҳнат биржаси» ва Тошкент тўқимачилик олийгоҳи билан доимий шартномаларимиз бор.

— Тикув цехларини айланиб, ишчилар, инженер-техник ходимлар билан суҳбатлашганимизда уларнинг бирлашма раҳбарларига бўлган ишонч ва ҳурматларини сездик. Бу бекорга бўлмай, раҳбарликнинг ўзига хос «сир»лари бўлса керак-да.

— Кўп ҳолларда раҳбар оддий эътиборсизлиги туфайли ўз малакали ишчисини йўқотиб қўйиши ёки унинг олдида обрўсиз бўлиб қолиши мумкин. Бу иш суръати ва сифатига таъсир этмай қолмайди. Муомалада тўғри ва самимий бўлган раҳбар ўз қўли остидагиларга ишонч бағишлайди.

«Халқ сўзи» мухбири Ойбек РАҲИМОВ суҳбатлашди.

БОР БЎЛСИН ЯХШИЛАР

ПОЙТАХТДАГИ ИСЛОМОБОД МАҲАЛЛА ГУЗАРИДАН РЕПОРТАЖ

ИСЛОМОБОД маҳалла маданият маркази томон келаётган одамларнинг кети кўринмайди. Ичкарида дилрабо мусиқа янграяпти. Сўриларда ястанган меҳнат ва уруш фахрийларининг бир пиёла чой устидаги гурунги авжида. Улар сурониларини колхозлаштириш, уруш йилларини хотирлашар, шаҳид кетган ёр-биродарларини ёд олишарди. Ўртада хушовоз хонанда Неъматжон Қулабдуллаев хонишқилар, мусиқага сел бўлганлар чайқалиб «барака топ» деб қўярди. Шайхонтоҳур тумани ҳокими Адҳамжон Миржалилов бир гуруҳ одамлар билан ичкари киришди. Ҳамманинг нигоҳи уларга қадалди. Ҳоким даврани очди:

— Бугун жумҳурият ижтимоий таъминот вазирлигининг бир гуруҳ ходимлари кам таъминланган, ёрдамга муҳтожларни қўллаш ниятида туманимизга ташриф буюришди. Бундан ташқари пенсия, турли нафақаларни расмийлаштириш, уни эгаларига етказиб беришдаги муаммолар хусусида ҳам бафуржа суҳбатлашамиз.

— Ўзбекистонда ҳозирги кунда фақат пенсия учун бюджетдан 180 миллиард сўм ажратиляпти, — дея гап бошлади Ижтимоий таъминот вазири Баҳодир Умурзоқов. — Бу оз пул эмас. Ходимларимиз хорижий мамлакатларда пенсия таъминоти тажрибаларини ўрганиб қайтишди. Уларда бутунлай бошқача экан. Меҳнат фаолиятини бошлаган одам ўша кундан бошлаб маошидан пенсия жамғармасига ўтказаркан. Қариликка гаштини сураётганда ўша пули ҳисобидан унга нафақа бериларкан. Уларда биздагига ўхшаб пенсионерлар гуруҳларга ажратилмаскан. Вақти келиб биз ҳам бу усулни шароитга мослаб қўлларимиз. Балки ўшанда ишимиз анча енгилдашар. Хуллас пенсия таъминотида анчамунча муаммолар борки, уларни бир-икки йилда ҳал қилиш мушкул. Масалан, расмийлаштирилган ҳужжатлар бир жойда — марказда ҳисобланади, сўнг районларга қайтариладн. Бунга кўп қоғоз, вақт сарф бўлади. Келажакда туман ижтимоий таъминот бўлимлари компьютерлар ва бошқа замонавий ускуналар билан жиҳозланади. Ўшанда марказ тугатилиб, барча ҳисоб-китоб ишлари жойларнинг ўзида бажарилади.

Иккинчи истиқболли режа — ҳар бир пенсионернинг банкда ҳисоб рақамини очиш. Бунда нафақахўр пул олиш учун оворагарчиликдан, алоқа ходимлари эса ташвишдан халос бўлишади. Пенсия банкдаги ҳисобга ўтказилаверади. Мижозлар пулни керагида олишади. Булмаса, ўша пул доимо ҳаракатда бўлади. Сандиқда моғорлаб ётмасдан кўпайиб даромад келтираверади. Бу ҳам давлатга, ҳам одамларнинг ўзларига фойда.

Мансур ака узоқ йиллар турли соҳаларда меҳнат қилди, сўнгги пайтда касалманд бўлиб ётиб қолди. Кўчага чиқай деса юролмайди, уйда ётаверса зерикади. Бу аҳволдан хабар топган вазирлик ўз ҳисобидан унга аравача совға қилди. Мансур ака бу тантанага келолмади. Умр йўлдоши аравачани қабул қилиб оларкан, кўзига ёш олди. «Барака топинглар, Бизга ўхшаганларни сийладингларми, кам бўлмайсизлар», дея дуо қилди. Бу ишнинг тепасида турган ҳукуматимиз раҳбарларига миннатдорчилик билдирди.

Илгари қайси тармоқда бўлмасин, бирон иш қилмайлик, албатта, Марказ (Москва)дан изн сурардик. Энди Эркинмиз. Истиқлол шабадасидан баҳраманд бўлаяпмиз. Яқинда вазирлик маҳаллий аҳамиятдаги шахсий пенсионер деган имтиёзли пенсия турини жорий этди. Бу узоқ йиллар бир жойда, бир касбда ишлаган одамларга берилади. Шу куни вазир Б. Умурзоқов Восиқ Абдувалиев, Роза Каримоваларни ана шундай пенсия тайинлангани билан қутлади ва уларга ҳужжат топширди.

Роза опа ҳаётда ҳам қувноқ экан, ҳар гапдан кулги чиқаради.

— Афти-бастимиз ёшларга ўхшаган билан 57 ни уриб қўйдик, укам, — деди Роза опа, — худога шукур энди невара ҳам боқамиз. Лекин миниатюраларда чиқишни қанда қилмоқчи эмасман. 27 йил ишлаб қўйганман. У ердан бирдан кўнгил узиб бўлмайди-да.

— Ҳоҳлаймизми, йўқми қарилик ўз ҳукмини ўтказади. Бу ижодингизга таъсир этмасмикин?

— Асло, чунки режиссурадан озод бўлдим. Энди ижод учун вақт кўп бўлади. Шу кунларда Мустақилликнинг икки йиллигига бағишлаб «Давайте, ўзбекча гаплашамиз» деган янги туркум миниатюралар дастурини тайёрлаяпмиз. Унда асосан ўз тилида чет сўзларни зўрлаб қўшиб гапирувчи олифталар, танноздар танқид қилинган.

— Эргаш ака сизнинг пенсияга чиқишингиз масаласига қандай қараяпгилар?

— Ҳў-ў ана, ўтирибдилар, ўзларидан сўранг.

— Эргаш ака, бугун янгамнинг узоқ йиллик меҳнатлари қадр топди...

— Аввало, пенсионерларга ҳар хил имконият ва имтиёзлар яратиб бераётган ҳукуматимиз раҳбарларидан миннатдормиз. Энди Роза опайизга келсак, у киши пенсияга чиқсаям тинмай-тинчимайди. Ҳали бизга эргашавериб кўп қийнайди, — ҳазиллашди Эргаш ака.

— Одамнинг исми жисмига монанд бўлиши керак. Хотинингизга эргашиб пенсияга чиқвормабсиз-да?

— Яна икки йил сабр қиласан, эргашмайсан, — дейишди-да, ука. бўлмаса...

Шу куни Исломобод маданият марказида йиғилганларнинг чеҳраларидан юрт осойишталигию, фаровон турмушдан кўнгилларн тўқлигини сезиш қийин эмасди. Улар «бор бўлсин яхшилар» дея қайта-қайта такрорлашди. Ҳамиша холис ниятларни яхшиларга рўпара қилишинги Оллодан сўрашди. Тантана сўнггида вазирлик номидан маҳалланинг даволанишга муҳтож бўлган беш фуқаросига Ўзбекистондаги санаторийларга текин йўлланма топширилди.

Исматилла ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Суратга тикилиб, тасвирчининг маҳоратига қойил қолмай илож йўқ. Суҳбатдошлар эса ўзларининг сувдаги акслардан бехабар. Ёш ниҳол гўзалар, шўх япроқлар гуж бўлиб суҳбатдошларни ўраб олганча уларнинг гурунгига қулоқ осаётгандай. Бу тасвир деҳқон қаётининг бир лаҳзаси, холос.

Суратчи Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ.

ЭҲРОМ КИЙМОҚ САЖДАГОҲГА БОШ ҚЎЙМОҚ БИРЛА БАРОБАРДИР

«Аллоҳга беадад шукрларким, динимиз равиақига йўл очилди. Мусулмонларнинг эминэркин Ҳажга бориб, Байтуллоҳни зиёрат қилишларига имкон туғилди. Эшитишимча, бу йил Ҳажга борган биродарларимиз Маккан Мукаррамада тартибсизлик қилишганмиш. Шу ҳақда маълумот берсанглар. Токи халқ ҳақ гапни билсин.

Турсунбой БОЗОРБОЕВ,
II гуруҳ ногирони,
Андижон шаҳри».

— ...Ҳажга борган мусулмонлар жума номозига ҳам чиқмасдан Маккан Мукаррамада савдо-сотиқ қилишганмиш...

— Турли жанжаллар кўтарилганн ҳам ростмикин! Бу йилги Ҳаж сафари ҳақида автобусдаги ушбу суҳбатдан ҳайратга тушдим. Наҳотки!! Шу хилдаги суҳбатларга бир неча марта гувоҳ бўлаётган бўлсам-да, барибир юрагимнинг туб-тубида «ёлғон» деган иштибоҳ алангалайверди. Бироқ...

Ераб! Бу не ҳолким, эҳром кийган мусулмон ибодат мақсадида Ҳажга бориб ножўя ишлар билан шуғулланган бўлса?! Бу масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида минг бир истиҳола билан Мавороуннаҳр мусулмонлари Диний идораси раиси муфтий Ҳожи Мухтор Абдулло ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раисининг биринчи муовини Убайдулло Уватовлар ҳузурига ошиқаман.

— МУХБИР: Аввало, зиёратларингиз қабул бўлсин.

— Ташаккур. Муродингиз ҳосил бўлсин.

МУХБИР: Муфтий ҳазратлари, айтинг-чи, бу йилги Ҳаж сафарининг ўтган йилгиларгагига нисбатан фарқи нимада?

МУФТИЙ: Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм! Яратган эгамга беадад шукурким, динимиз, тилимиз равнақига кенг йўл очилди. Республикамиз раҳбариятининг беқиёс ғамхўрликлари ва кўмаклари натижасида қарийб тўрт йилдан буён мусулмонларимиз Ислом арконининг бешинчи фарзи бўлмиш Ҳаж сафарига бориб, Байтуллоҳни тавоф қилиш бахтига мушарраф бўлдилар.

Фахру ифтихор билан айта оламизки, Ватанимиз истиқлолга эришгач, унутилаёзган ие-не удумларимиз, авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий анъаналаримиз қайта жонланди. Мусулмонларимизнинг Маккан Мукаррамани тавоф айлаб, ҳожи бўлиб қайтишаётгани ҳам ана шу эмни-эркинликнинг шарофатидир.

Бу йилги мавсумда 3 минг 200 нафар юртдошимиз ҳожи бўлиб қайтди. Тўғри, бу йил Ҳаж сафари анча мураккаб кечди. Сабаби ўтган уч йил давомида собиқ Совет Иттифоқи жумҳуриятларидан борган барча мусулмонларни Саудия Арабистони қироли, икки муқаддас масжид ходими Фаҳд бин Абдулазиз Ол Сауд ҳазратлари шахсий меҳмонлари сифатида қабул қилиб, сафар тадориги сарф-ҳаражатларини ўз жамғармаларн ҳисобидан қоплаган эдилар. Бу йилдан эътиборан эса Ҳажга боришни ният қилган мусулмонлар ўз ҳисобларидан Ислом арконининг бешинчи фарзини бажардилар. Ўтган йиллар бизга қилинган илтифот урушдан азият чекаётган Босния мусулмонларигагина кўрсатилди.

МУХБИР: Умуман Ҳаж сафари кимларга буюрилади?

МУФТИЙ: Ҳаж сафари ҳақида Қуръони Каримда шундай жумлалар мавжуд: «Албатта, одамлар ибодат қилишлари учун қурилган биринчи уй — Маккадаги муборак ва бутун одамлар учун ҳидоят (маёғи) бўлган Каъбадурки, унда мақоми Иброҳим (яъни Каъбани қуришда Иброҳим алайҳиссалом оёқлари остида бўлган харсанг тош, у тошдан ҳанузгача Иброҳим пайғамбарнинг оёқ излари кетмаган) ва унга кирган одам ҳар қандай хавф-хатардан омон бўлиши (каби) очиқ ояталоматлар бордир. Ва йўлга қодир бўлган кишилар зиммасида Аллоҳ учун мана шу уйни ҳаж-зиёрат бурчи бордир. Кимда-ким кофир бўлса (яъни Каъбани зиёрат қилиш фарз эканини иннкор қилса), бас, албатта Аллоҳ бутун оламлардан беҳожат бўлган зотдир». Ҳажга боришни ният қилган киши ўз меҳнати туфайли топган маблағи ҳисобига бормоғи жоиз.

МУХБИР: Республикамиз мустақилликка эришгач, динимиз янада равнақ топмоқда. Диний китоблар чоп этила бошланди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитасининг тузилиши ҳам республикамизда диний масалаларга эътибор қаратилаётганлигидан далолатдир. Ҳаж сафари давомида Мавороуннаҳр мусулмонлари Диний идораси билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний қўмитанинг ҳамкорликда иш олиб борганн ғоятда қувончлидир.

Убайдулла ака, ана шу қўмита раиси муовини сифатида муштарийларни қизиқтирган саволларга жавоб берсангиз. Айрим зиёратчилар ўртасида ножўя ҳаракатлар бўлгани ростми?

У. УВАТОВ: Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, Ҳаж сафари давомида юзага келган кўнгилсизликларни ҳам ўз вақтида айтиб ўтмасак, эл орасида турли миш-мишларнинг болалаб кетишига йўл очиб берган бўламиз. Тўғрисини айтиш керак, ҳожиларимиз орасида айрим ножўя хатти-ҳаракатлар бўлганлиги ҳам, митингбозлик қилинганн ҳам тўғри. Бу хилдаги кўнгилсиз ҳатти-ҳаракатларга Андижон вилояти масжид ходими Ҳамидулла Собиров кабилар сабаб бўлди. Минг таассуфлар бўлсинки, ана шу нохушликлар ташкиллаштирилгач, яна бир «ҳожи»миз — Улуғбек Маллабоев Саудия Арабистони қонун-қоидаларига зид равишда баъзи воқеаларни видео тасвирга туширган ва бу билан воқеага қандайдир ғаразли тус беришга уринганлар.

МУХБИР: Уларнинг норозиликларига сабаб нимада?

У. УВАТОВ: Муфтий ҳазратлари ҳам таъқндлаб ўтдиларки, бу йилги сарф-ҳаражат ҳар бир зиёратчининг ўз ҳисобидан бўлди. Шу боис сафар ҳаражатлари анча қимматга — самолёт чипталсидан ташқари ўртача 1000 америқо долларидан зиёдга тўғри келди. Ҳажга борадиганларга енгиллик туғдириш мақсадида республика раҳбариятининг ёрдами билан зиёратчиларнинг шахсий маблағлари Миллий банк орқали америка долларига алмаштирнб берилди. Биз Ҳажга боришни ният қилганларни ўз вақтида бу ҳақда огоҳлантирдик. Шундан сўнг ҳам республикамиздан 3.200 киши бориш истагини билдирди. Ҳажга борганларнинг аксарияти шартномада кўрсатилган маблағни тўлади. Афсуски, Саудия Арабистони тупроғига қадам қўйганимизда баъзи ҳожилар «бизда бунча пул йўқ», дея оёқ тираб туриб олдилар. Аслида ўз сарф-ҳаражатнни қоплаёлмайдиган кишилар қайтариб юборилиши жоиз эди. Яна ватандошларимизнинг мададлари қўл келди. Айниқса, араб мутаввифи Носирнинг саховати сабаб камҳаржроқ мусулмонларимиздан 30 нафарининг меҳмонхона ҳаражатлари бепул бўлди. Қолганлардан ҳам имкониятига қараб ҳақ олинди.

Зиёратчилар бормасларидан бир ҳафта бурун Саудия Арабистонидаги меҳмонхона эгаси билан шартнома тузилиб, жойлар ҳозирлаб қўйилганига қарамай юқорида номи зикр қилинган Ҳамидулла Собиров бошлиқ 300 дан ортиқ андижонлик ва Абдуҳофиз Чориев бошлиқ 120 нафар сурхондарёлик ҳожилар бошқа жойларда туришларини билдиришди. Уларнинг тутган йўллари тартиб-қоидага ҳам, қолаверса, оддий инсоний муносабатларга ҳам тўғри келмасди. Сарф-ҳаражатлар борасидаги тушунмовчиликлар, эҳтиросларга берилиш баъзи гиж-гижловчиларга қўл келди. Ўзаро бамаслаҳат ҳал қилиниши мумкин бўлган муаммони бўрттириб, унга қандайдир ихтилофли тус беришга уринишлардан ким манфаатдор эди?! Минг афсуски, бу нафақат халқимиз шаънига, балки Саудия Арабистонида яшаётган кўпдан-кўп ватандошларимиз шаънига ҳам доғ туширадиган ҳаракатлардир. Буюк ибодат мақсадида келган ҳақиқий эътиқодли кишилар уларнинг ҳаракатларини кескин қораладилар.

МУФТИЙ: Ваҳоланки, эҳром кийгач, жанжал қилиш, бировнинг кўнглига озор бериш у ёқда турсин, ҳатто ҳашоратни ўлдириш ҳам ножоиздир. Эҳром кийган киши то уни устидан ечгунга қадар ҳддн номозга кирган мўъминдек ибодатда бўлади.

МУХБИР: Ҳаж сафарига йўл олган зиёратчи тижорат билан шуғулланиши мумкинми? Чунки ҳар гал шу ҳақда турли гаплар эшитамиз.

МУФТИЙ: Саволингиз бағоят ўринли. Сафарга чиқадиган одамда маълум мақсад бўлади. Ҳажга борувчидаги мақсад янада улканроқ ва масъулиятлнроқдир. Сафар давомида бизни ҳижолатга қўйган нарса ҳам ана шу тижорат бўлди. Гарчанд, Каъбатуллоҳ атрофи — Ҳарами шарифда савдо-сотиқ қнлиш мумкин бўлмаса-да, айрим ҳожиларимиз «бу табаррук жойда савдо билан машғул бўлганлари сир эмас.

Юқорида таъкидлаганимиздек, эҳром кийган мусулмонга савдо-сотиқ у ёқда турсин, ҳатто бирор ортиқча нарса ҳақида ўйлаш, гапириш, бировнинг дилига озор бериш ҳам мумкин эмас. Ҳожилар нафақат ҳаж сафари давомида, балки умр бўйи садоқатли, иймонли бўлмоқлари даркор.

У. УВАТОВ: Мен муфтий ҳазратларининг гапларига қўшимча қилган ҳолда Саудия Арабистонида миллатимиз шаънига тегадиган баъзи воқеаларга тўхталишни лозим топдим.

Минг афсуслар билан айтиш мумкинки, муқаддас заминда ибодат бажо қилишдан кўра батамом савдо-сотиққа берилиб кетганлар ҳақида ҳам, «пулим йўқ», деб ялиниб-ёлбориб, кўз ёши тўккан айрим юртдошларнимизни қўша-қўша магнитафону видео жиҳозлар харид қилганликлари ҳақида ҳам қатор мисоллар келтириш мумкин бўлса-да, баъзи мулоҳазаларга кўра, биз ҳозирча уларнинг исми-шарифларини келтиришни лозим топмадик. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоизки, бу ноқисликлар мусулмон оламида олийжаноб халқимизнинг, ёш мустақил республикамизнинг обрў-эътиборига зид ҳаракатлар деб биламан. Бундайин ножўя ҳатти-ҳаракатлардан биргина биз эмас. Саудиядаги ватандошларимиз ҳам анча ҳижолат чекишди. Айрим «ҳожи»ларимиз туфайли азнят чеккан ватандошларимиздан узр сўраймиз.

МУХБИР: Халқ орасида сафар давомида ўнлаб кишилар вафот этганмиш, деган гаплар юрибди...

МУФТИЙ: Йўқ, бу бўҳтон. Биласизми, қизим, жумҳуриятимизда муқаддас Ҳаж сафарига борганларнинг аксариятини қариялар ташкил этди. Бу йил Ҳаж сафари муносабати билан жойларда махсус комиссиялар иш олиб борди. Зиёратни ихтиёр этган муслим ва муслималарни тиббий текширишдан ўтказиш чоғида эътиборсизликка йўл қўйилган. Сафар давомида тўрт киши вафот этди. У томонларнинг оғир иқлимига бардош бериш учун одам, энг аввало, соғлом бўлмоғи талаб қилинади. Муборак Ҳаж сафарида вафот этган 71 ёшли қўқонлик Қурбонали бобо Эргашев, наманганлик 72 ёшли Марям Эсонова, тошкентлик онахон Карима Сиддиқова ва андижонлик 64 ёшли Еқубжон Неъматовларнинг Ҳаж сафарларини Аллоҳ ўз даргоҳида қабул айлаган бўлсин. Уларнинг жойлари жаннатда бўлишини Аллоҳдан тилаб қоламиз.

Не-не машаққату қийинчиликлар бўлса-да, Ҳаж зиёрати яхши ўтди. Сарф-ҳаражатнинг юқори бўлишига, юртимизда вақтинчалик иқтисодий мураккабликлар давом этаётганига қарамай 3200 нафар юртдошимизнинг аксарияти буюк эътиқод билан Каъбатуллоҳни тавоф этишни ихтиёр этганликларию Ҳарами шариф яқинида турганликлари Саудия Арабистонида яшаётган юртдошларимиз қалбларини ифтихорга тўлдирди.

МУХБИР: Муфтий ҳазратлари, газетамиз муштарийларига тилакларингиз.

МУФТИЙ: Барча одам ирқу миллатидан, наслу насабидан қатъий назар, яратувчининг ҳузурида баробарднр. Кўнглига иймону эътиқод нури шуъла сочган мўъмнн-мусулмонларга ҳамиша Аллоҳнинг раҳмати ёғнлсин, Байтуллоҳни тавоф қилишлнк, Зам-зам сувидан тотиб кўришлик, Расулуллоҳ дафн этилган ҳужран саодатни зиёрат этишлик бахти насиб этсин, омин.

«Халқ сўзи» мухбири Мавжуда ХОЛМАТОВА суҳбатлашди.

Хориждан хабарлар

АҚШ Мудофаа вазирлиги якшанба куни баёнот тарқатди. Унда айтилишича, АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг самолётн шанба куни Ироқ эснит қурилмасига қараб ракета отган.

Самолёт учувчиси «Ер-осмон» тоифасидаги Ироқнинг бир ракетаси учирилгани, аммо нишонга тегмаганини қайд этди. Америкаиинг ҳамма самолётларн омон-эсон базага қайтиб келди.

* * *

Рейтер ахборот маҳкамасининг Бағдоддан хабар қилишича, Пентагоннинг Ироқ осмон ҳужумидан мудофаа кучларн АҚШ самолётига ракета отди, деган даъвосини Ироқ расмий равишда рад қилди.

* * *

Босния ва Герцеговинадаги можароларда қатнашаётган уч томон қўшинларининг қўмондонлари бугун Москва вақти билан соат 11 дан бошлаб ҳужум ҳаракатларини тўхтатишга розн бўлдилар.

Боснияда тинчлик ўрнатувчи БМТ кучлари қўмондонининг сўзларига қараганда, мусулмонлар жамоасининг раҳбари А. Изетбегович қўмондонларнинг ўт очишни тўхтатиш ҳақидагн буйруқлари бажарилган тақдирдагина сулҳ музокараларида қатнашиш учун Женевага бораман, деган.

* * *

Украина Югославиянинг собиқ Македония республикасини тан олди ва у билан дипломатия муносабатлари ўрнатажагини эълон қилди.

* * *

Исроилнинг қирувчи самолётларидан отилган «Осмон-ер» ракеталари якшанба куни Ливан пойтахтидан 20 километр жанубда портлади.

Бу самолётлар Фаластин озодлиги халқ жабҳасининг лашкарларн жойлашган Нааме тепалигига ҳужум қилган «Ал Ватания» миллий ахборот маҳкамасининг тахминий маълумотларига кўра, Ливан ичкарисидагн 10 шаҳар ва йирнк манзилга осмондан бомбалар ёғдирилган. Ўнлаб киши ҳалок бўлган ва яраланган.

РАТА — ТАСС мухбирларининг Байрутдан хабар қилишича, Ливан ҳукуматн Исроилнинг тажовузкорлик ҳаракатлари хусусида БМТга шикоятнома топширди. Ливан Ташқи ишлар вазири Ф. Буэйз БМТ хавфсизлик кенгаши доимий аъзоларининг ташқи ишлар вазирларига шошилинч сим қоқиб, мамлакат жанубидаги ҳарбий вазият баттар кескинлашиши хавфи борлигидан уларни огоҳлантирди.

* * *

Кубадаги Миллий қўзғолон куни ҳали ҳеч қачон бу қадар чигал вазиятда нутиб олинмаган эди.

Ф. Кастронинг сўзларига қараганда, Монкада казармасига ҳужум қилинган кунннинг 40 йиллиги Куба тарихидаги энг қийин даврда нншонланмоқда. Революция ғалабасидан кейин биринчи марта бу сана шарафига анъанавий кўп минг кишилик митинг ўтказилмайдиган бўлди.

* * *

Якшанба куни Украина Мудофаа вазири К. Морозов Вашингтонга расмий ташриф буюрди.

Ташриф режасига мувофиқ, у АҚШ Мудофаа вазири Л. Эспин ва АҚШ қуролли кучлари штаблари бошлиқлари комитетининг раиси К. Пауэлл билан музокаралар қиладн.

* * *

Бугун Австралия шимолида Австралия, АҚШ ва Сингапур ҳарбий ҳаво кучларининг машқларн бошланди.

13 августгача давом этадиган бу машқларда учала мамлакатнинг 70 дан кўпроқ жанговар самолёти қатнашади.

Рэндждэйл

Австралиянинг юқори сифатли технология жиҳозларини ўртача нархларда етказиб борувчи етакчи фирма қуйидагиларни таклиф қилади:

- **пиво ишлаб чиқарувчи линиялар;**
- **йирик моллар ва чўчқаларни сўйиш линиялари;**
- **сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи линиялар;**
- **картошкадан чипслар тайёрловчи линиялар;**
- **новвойхоналар;**
- **музлатгичли омборлар;**
- **гишт ишлаб чиқарувчи линиялар.**

Фирма буюртмачининг истагига биноан турли ишлаб чиқариш технологияси жиҳозларини етказиб беради.
Жиҳозларнинг нархига шеф-монтаж, мутахассисларни ўқитиш, сервис хизмати (2 йиллик эҳтиёт қисмлар) киради.
Технология линиялари ва жиҳозлар учун эркин муомаладаги валютада ҳақ тўланади.
"РЭНДЖДЭЙЛ" фирмаси маҳсулотларининг намуналари (проспектлар) билан Австралия фирмасининг манфаатларини ўзбек бозорида ҳавола этаётган "Мирза-Анвар ЛТД" фирмасида танишиш мумкин.

Бизнинг манзилимиз:
700100, Тошкент,
Генерал Каримов кўчаси, 7
Телефон: 55-44-18, 55-38-29
Телекс: 116148 AGROS SU
Факс: 55-35-17

СИЗНИ КУТАМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш қўмитаси қошидаги давлат мулкини баҳолаш ва рўйхатдан ўтказиш бўйича хўжалик ҳисобидаги марказн:

Давлат мулки ҳисобланган корхоналарни хусусийлаштириш ва давлатдан ажратиш борасида мутахассислар тайёрлайдиган доимий пуллик курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотларни Республика давлат мулкини бошқариш қўмитасининг мутахасснслари, етакчи иқтисод ўқув юртларининг ўқитувчилари 88 соатлик дастур асосида давлат мулкини бошқариш қўмитасининг биносида 1993 йилнинг 20 июлидан бошлаб олиб боришади.

Машғулотларнинг вақти: соат 13.00 дан 19.00 гача ҳар куни (якшанбадан ташқари), шанба кунлари соат 9.00 дан 15.00 гача.

Турли тижорат тизимлари — аудиторлик, консалтинг, илмий ишлаб чиқариш ҳамда уставида шу каби фаолиятлар қайд этилган бошқа ташкилотлар, ўз мулкчилигини бошқа шаклга ўзгартирмоқчи бўлган давлат корхоналарининг ходимларн, иқтисод, молия ва ҳисоб соҳасида билим ва тажрибага эга бўлган алоҳида шахслар ўқишга таклиф этилади.

Бир тингловчи учун 40 минг сўм ўтказилади ёки нақд тўланади.

Машғулотлар тугаганидан сўнг тингловчиларга тегишли гувоҳномалар берилади. Тингловчилар истакларига кўра лицензия олиш учун суҳбатдан ўтишлари мумкин.

Тўлиқ маълумотлар учун телефонлар: 39-18-00, 39-44-92.

Бизнинг ҳисоблар: Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш қўмитаси қошидаги давлат мулкини баҳолаш ва рўйхатдан ўтказиш бўйича хўжалик ҳисобндаги марказ.

Тошкент шаҳри, 700008, Мустақиллик майдони, 6.

Ҳисоб рақами 003345307 Ўзинбанкда.

МФО 172636136, Кор. ҳисоб 700161102.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги жамоаси Ишлар бошқармасининг хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи

Абдувосиқ КАЛАНХУЖАЕВ

нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари олий билимгоҳи ва ирригация муҳандислари тайёрлаш ўқув-илмий маркази раҳбарияти, ҳамда Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш ва қишлоқ хўжалик сув таъминоти таҳсилгоҳи жамоаси олийгоҳнинг илмий ишлари бўйича ректор муовини ва таҳсилгоҳ мудири, Ўзбекистон халқ депутати профессор Сандраҳмон Шоабдиевич Мирзаевга акаси

Файзираҳмон МИРЗАЕВ

нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Ойнаи жаҳонда кўринг

Сешанба, 27. VII

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистоним!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Қушлар оламии». Телефильм.
7.50 Мутахассис маслаҳати.
8.00 Эстрада тароналари.
8.20 «Ўйинқароқ болалар». Мультфильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахборотн [рус тилида].
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Ўзбек тилини ўргаиамиз.
9.30 Болалар учун фильм. «Кичик сержант».
10.55 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
11.25 «Камолот сари». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатуалар тартиби.
18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.55 «Ижтимоий муҳофаза — бош вазифа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.50 Эълонлар.
19.55 «Табассум» [АҚШ].
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.40 «Ижод саҳифалари». Суннатулла Анорбоева таваллудининг 70 йиллигига.
22.40 «Эрта тонг». Бадиий фильм.
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўпламн.
19.20 «Чотқол тизмалари». Телефильм.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.50 «Ишбилармонлар».
20.30 «Ўзбекистон спорти» [рус тилида].
21.15 Телефильмлар.
21.55 Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.50, 20.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 Мультфильм.
8.35 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.20 «Олий ҳиссиёт». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 6-серия.
9.50 «Сеаги алифбоси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 16 ва 17-сериялар.
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
11.20 «Акмал, аждаҳо ва малика». Телевизион бадиий фильм.
12.25 «Икки капитан». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.30 «Москва Кремли бўйлаб саёҳат». Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЦНФ»).

*

14.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
14.25 «Ишбилармон кишилар хабарномаси».
14.40 «Конверсия ва бозор».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Майя арниси». Кўп серияли мультфильм.
Давлатлараро «Останкино» телеканали Беларусь телевидениеси кўрсатувларини намойиш этади
15.45 «Қадрдон қўшиқ». Болалар мусиқий жамоаларининг концерти.
16.00 «Ҳоқон». Ҳужжатли фильм.
16.30 Санъат усталарининг концерти.

*

17.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].

*

17.20 Беларусь Олий Кенгашининг раиси Ст. Шушкевич сўзи.

*

18.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Мулкдор алифбоси».
18.55 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Севги алифбоси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18-серия.
20.55 1993 йил қўшиқлари.
22.10 «Брэйн-ринг».
23.00 Янгиликлар.
23.40 «Х» программаси.
00.10 «Олий ҳиссиёт». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 6-серия.
00.40 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар дарси.
8.00 «Ҳақиқат оиларн». А. Караулов саволларига Г. Явлинский жавоб беради.

* * *

11.00 Биз севган комедиялар. «Афоня». Бадиий фильм.
12.30 Мульти-пульти.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.05 «К-2» таништиради. «Миллий баскетбол уюшмасидаги бизнинг одам».
14.00 Россия телевидениесининг сара асарлари. «Оқ қарға».
14.45 Янгиликлар.
15.00 «Рост» студияси. «Мусиқий синф».
15.30 «Пушкин уйи». 1-кўрсатув.
15.55 Ота-оналар учун эртаклар. «Болалик ва етуклик даври».
16.25 «Кўҳна кинолардаги қўшиқлар».

Чоршанба, 28. VII

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистоним!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Ўзбекистон дея аталур». Телефильм.
7.40 «Халқ ижодиёти».
8.00 Дунё воқеалари.
8.15 «Қуноқ болалар».
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 Турк тили.
9.40 «Севгим менинг, анду ҳам менинг». Бадиий фильм.
11.10 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари [АҚШ].
11.25 «Ёшлик» студияси. Сирдарё университети: бугун ва эртага.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Улғайиш поғоналари».
18.45 Тэквондо бўйича жаҳон чемпионати.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.50 Эълонлар.
19.55 «Табол ўймакорлиги». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Андижон шаҳар «Сумалак» рақс ансамблининг концерти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.40 «Ёшлик» студияси. «Зиё».
22.50 «Зомби» варианти». Бадиий фильм.
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 «Кичик саёҳат».
19.00 «Спринт».
19.20 «Жилолар». Телефильм.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.50 Ретро концерт.
20.45 «Ўзбекистон — қадрдон юртим. Немислар». Видеофильм [рус тилида].
21.35 Э. Ростан. «Сирано де Бержерак». Урта Осиё электроаппарат илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бадиий жамоасининг А. Навоий номидаги Давлат академик Катта театридан ёзиб олинган спектакли.
23.25 «Қалдирғоч». Телефильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 Мультфильм.
8.35 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.20 «Саодо кўприги».
9.50 «Олий ҳиссиёт». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 7-серия.
10.20 «Севги алифбоси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 18-серия.
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
11.20 «Акмалнинг янги саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.25 «Икки капитан». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.

*

13.40 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Россиянинг ташқи сиёсати» кўрсатувини таништиради.
14.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Майя арниси». Кўп серияли мультфильм.
15.40 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 15-кўрсатув.
16.00 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Қрим орол» кўрсатувини таништиради.
16.25 «Клуб 700».
17.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Пешвоз чиқиб» кўрсатувини таништиради.
18.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Мулкдор алифбоси».
19.00 «Рус оламн».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Севги алифбоси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 19-серия.
20.55 «Миниатюра». Мусиқий кўрсатув.
21.10 «Ҳам кулдиради, ҳам куйдиради». А. Арканов.
22.00 «Матбуот-экспресс».
22.15 «Рок-н-ролл ТВ».
23.00 Янгиликлар.
23.40 Футбол. Уртоқлик учрашуви. Франция — Россия терма командалари. Франциядан олиб кўрсатилади.
01.35 «Олий ҳиссиёт». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. 7-серия.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 Христианлар учун кўрсатув.
8.30 «Параллеллар».
8.45 «Мўмин-қобил йўлбошчилар».
9.15 «Соло». Композитор О Каравайчун.
10.00 «Пушкин уйи». I-кўрсатув.
10.25 «Юлдузлар ёғилганда».
11.25 Хонакн экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 197-серия.
12.15 «Мусиқий коллекция». О. Шеарцберг, У. Делахант дуэти.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.00 Кундузги сеанс. «Даниил — инязь Галицкий». Бадиий фильм.
15.10 «Атом ҳавфига қарши». 1-кўрсатув. «Янги замнига».
16.15 Мульти-пульти.
16.25 Трансросфнр. «Доннмо бирга».

*

17.00—19.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.15 Хонакн экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 199-серия.
20.05 «Келинг, аниқлаб олайлнм».
20.20 Спорт кўрсатуви.
20.25 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
21.00 Турнея телевидениеси. Хабарлар.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Криминал хабарлар эрани.
21.35 «Славян бозорн» II халқаро мусиқа фестивалн. Беларусь миллий кунн. Витебск шаҳридан кўрсатилади.
22.30 «Славян бозорн» II халқаро мусиқа фестивалн. Украина миллий кунн. Витебсн шаҳридан кўрсатилади.

Пайшанба, 29. VII

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистоним!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Ёшлар куйлаганда».
7.50 Шифокор маслаҳати.
8.00 Мультфильм.
8.10 «Билиб қўйган яхшн».
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 «Матбуот саҳифаларида» [рус тилида].
9.10 Араб тили.
9.40 «Ёшлик» студияси. «Талабалар таътилда».
10.10 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари [АҚШ].
10.25 «Самолёт қайтарилди». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Усмир ва қонун».
18.40 «Тандир, арча, олов». Телефильм.
18.55 «Янги китоблар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.50 Эълонлар.
19.55 Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Санъат усталарининг концерти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.40 «Мулоҳаза». Театр ва кино актёрлари муаммолари.
22.30 «Қуюшқондан чиққанда». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатуалар тартиби.

● ЎзТВ II

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.05 Спортчилар ҳақида ҳикоялар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.50 «Ургут жилолари». Телефильм.
20.00 «Тошкент оқшомлари».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.35— Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Домисолька».
8.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.25 Футбол. Уртоқлик учрашуви. Франция — Россия терма командалари. 2-тайм. Францнядан кўрсатнлади.
10.15 «Севги алифбоси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 19-серия.
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
11.20 «Акмалнинг янги саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
12.30 «Икки капитан». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.

*

14.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Майя арниси». Кўп серияли мультфильм.
15.40 «440 герц».
16.20 «Сиз бунга қодирсиз».
17.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
17.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.55 «Жамоатчилик фикри».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Жамоатчилик фикри» [давоми].
20.40 Телэкранда биринчи марта. «Футболчи». Бадиий фильм.
22.10 «Палитра».
22.30 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
23.00 Янгиликлар.
23.40 «Олам дам олишда».
00.20 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 Тонгги концерт.
8.15 «Саховат кўрсат».
9.00 «Иложи топилмайдиган нарса йўқ». Халқ табиби В. Кандиба.
9.45 «Муваффақият манбалари». Юлиан нуйлайди.
10.40 Хонакн экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 198-серия.
11.30 Ишдан бўш пайтингизда. «Иш устасндан қўрқади».
11.45 «Дарёгинам — оигим, ҳиссиётим».
12.10 «Ифтах Худодо ким ўзи?». Мусаевнр, шоир, файласуф.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.00 Россия телевидениесининг сара асарлари. «Оқ карға».
13.50 «Рус ташрифи».
14.25 «Ижинца».
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Рост» студияси. «Мусиқий синф».
15.45 «Ретрони ижро этамиз». Германиядан ўсмирлар бригбенди.
16.15 Мульти-пульти.
16.25 Трансросфнр. «Доннмо бирга».

*

17.00—19.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.15 Хонакн экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 199-серия.
20.05 «Келинг, аниқлаб олайлнм».
20.20 Спорт кўрсатуви.
20.25 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
21.00 Турнея телевидениесн. Хабарлар.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Криминал хабарлар эрани.
21.35 «Славян бозорн» II халқаро мусиқа фестивалнннг ёпилиши. Витебск шаҳридан кўрсатилади.
23.00 Волейбол бўйича жаҳон лигаси биринчилиги. Ярим финал.

Жума, 30. VII

● ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистоним!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Номаълум Бухоро». Телефильм.
7.50 Мутахассис маслаҳати.
8.00 Тошпўлат Маткаримов қўшиқлари.
8.15 «Менинг филим бўле. Мультфильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 «Болалар фронтга жўнадилар». Бадиий фильм.
10.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари [АҚШ].
10.30 «Узгалар дардида ёнманг...».
11.00 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун...». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Қизлар даврасн».
18.55 «Футбол майдонларида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.50 Эълонлар.
19.55 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 «Саҳродаги қўриқхона». Манзарали фильм.
20.35 «Тадбиркорлик».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.40 «Ёдномa». Абдулла Аловний.
22.30 Ўзбекистон халқ ҳофизи Одилжон Юсупов куйлайди.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ
● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Моара» («Ғегирмон»). Телевизион бадиий фильм.
9.40 Опа-сингил Литвиненколар куйлайди.
10.00 «Саёҳатчилар клуби» [сурдо таржимаси билан].
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.

* * *

14.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
14.25 «Бриджж».
14.50 «Бизнес-класс».
15.05 «Майя арниси». Кўп серияли мультфильм.
15.30 «Ҳайвонот оламида». Режиссёр А. Згуриди фильмлари. «Қора тоғ».
16.50 «Технодром».
17.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
17.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали «МДҲни молиявий соғломлаштириб бўладими?» кўрсатувини таништиради.
17.45 «Инсон ва қонун».
18.15 «Вагон 03».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
20.40 «Детективлар клуби»да. «Сунии». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
21.40 «Матбуот-экспресс».
21.55 «Максима».
«ВИД» таништиради:
22.25 «Авто-шоу».
22.45 «Обоз» майдончаси. («Браво» гуруҳи). Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
8.00 «Минора».
8.15 «Параллеллар».
8.30 «Сиз яратган боғ».
9.00 «Ҳайвонот оламида».
10.00 Мульти-пульти.
10.10 Хонакн экран. «Санта Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 199-серия.
11.00 Буржлар туркумидан.
11.55 Россия телевидениесининг сара асарлари. «Оқ қарға».
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.05 «Дераза».
13.35 Янгиликлар.
13.50 «Рост» студияси. «Биз мультфильмларининг расмини чизамиз». 1-қисм.
14.20 Жума кунлари Дисней. «Охирги электрон рицарь». Бадиий фильм.
15.10 «Атом ҳавфига қарши». 1-кўрсатув. «Янги замнига».
15.55 Ҳужжатли фильм.
16.25 «Франция. Қўшиқ».

*

17.00—19.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.00 «К-2» таништиради «Абзац».
20.00 «Депеш мод-93».

*

21.00 Турнея телевидениесн. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Спорт кўрсатуви.
21.35 Гранд репортаж. «Улар қандай «Янги руслар!?».
22.05 «Авлнё Лука»нинг қайтиши». Бадиий фильм.
23.35 «Каунтдаун». Оммабоп куйлар янгиликлари.

Шанба, 31. VII

● ЎзТВ I

6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Ялла ва лаларлар.
7.50 Шифокор маслаҳати.
8.00 Дунё воқеалари.
8.15 «Кузя учун уй». Мультфильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 «Алифбо сабоқлари».
9.40 Спорт хабарномаси.
9.55 «Дубравка». Болалар учун бадиий фильм.
11.10 Муҳаббат Ғофурова ва «Ўзбекистон» гуруҳи куйлайди.
11.35 «Ниҳолларни эгманг». А. Мажидий номидаги Қатта қўрғон шаҳар драма театрининг спектакли.
12.55 «Мерос». Муҳаммад Сафо шеърияти.
13.20 «Магистраль». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатуялар тартиби.
18.00 «Шоирлар — болаларга»
18.40 «Александровск боғи» Манзарали фильм.
18.50 «Истиқлол ва маънавият».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти [рус тилида].
19.50 «Тоғ капалаклари». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма театри яккахонларининг концерти.
21.00 «Туркистон» ахбороти.
21.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. «Олтин остона». Адабий-публицистик кўрсатув.
22.50 «Чинор тагидаги дуэль». Бадиий фильм.
24.00 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● ЎзТВ II
17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ
● «ОРБИТА IV»

5.45, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.50 Эрталабки гимнастика.
6.00 «Матбуот-экспресс».
6.10 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».
6.55 Янгиликлар.
7.30 «Моторлар оламида».
8.00 Мультфильм.
8.10 Мусиқий кўрсатув.
8.35 «Марафон-15» таништиради...
9.00 «Экстр-НУЖ».
9.30 Энологик кўрсатув.
9.45 «Шанба кунги дастхат».
10.15 «Тиббиёт ҳамма учун».
10.55 «Бургут рамзи билан». Россия орденининг таъсис этилиши ҳақида.
11.25 «Ҳокимият сиймоси».
11.40 «Шеърият альбоми».
12.00 «Эпкин ёзувлар ёки Соня билан Американи излаб саёҳат».
12.25 «Спорт ва санъат».
13.25 «Мана шунақа кино...» В. Ежов. Ёзувчи ва драматург. 2-кўрсатув.
14.00 Янгиликлар.
14.25 «Швейцариянинг қалби — Люцерн». Телефильм премьераси.
15.30 «Шаҳзода ва Сув парисн». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.20 «Марказий экспресс». Европа тележурнали.
16.50 «Мен сизни севардим». А. С. Пушкин.
17.20 «Пул ва сиёсат».
17.50 «Қойилмақом оттовлом».
18.50 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Хьюстон рицарлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Зангори ва кулранг». Телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
21.10 «Резонанс» студияси таништиради. «Канкан».
21.30 «Серпантин». Кўрсатувни М. Захаров олиб боради.
22.25 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви. Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Суега сакраш. Трамплин 1 м. Эркаклар. Англиядан кўрсатилади.
23.00 Янгиликлар.
23.35 «Дартлэнд» операцияси давом этади...».
24.00 Телэкранда биринчи марта. «Комендантлик соати». Бадиий фильм [АҚШ].
01.35 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 «Оламга ўз нигоҳи билан караш».
7.55 «Рост» студияси. «Биз нинг «Аралаш».
8.25 «Пилигрим». Россия савдо палатлар бюроси.
9.10 Баскетбол шарҳи.
9.40 «Пигмалион».
10.10 Юбилйр фильмлари жавонидан. В. Борисовнинг «Дарё ва Конвой онласи» бадиий фильми.
11.35 «Тилла шпора».
12.10 «Кандай яшаймиз?»
12.55 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

*

13.15—15.00
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

13.15 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
13.25 «Везнен мирас» (татар тилида).
14.05 Ёшлар учун мусиқали телевизион видеоклуб.
14.45 «Ву турфа олам».

*

15.00—17.00
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

15.00 «Чегарасиз футбол».
16.00 «Михаил Таничнинг «Олтин дисни».
17.00 Телефильм.

*

17.20—19.30
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.30 «К-2» таништиради «Америка юлдузлари».
20.00 «Мутлақо маҳфий».
21.00 Турнея телевидениесн. Хабарлар.

*

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».

*

21.25 Спорт кўрсатуви.
21.30 Телэкранда — премьера. «Улнм зонаси». Бадиий фильм (АҚШ).
23.00 Волейбол бўйича жаҳон лигаси биринчилиги. Ярим финал.

Якшанба, 1. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 Болалар учун. «Тонгги салом».
9.00 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм [Ҳиндистон]. 26—27-сериялар.
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Адабиёт ва маънавият».
11.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. «Анор» телевизион танловининг дастлабки танишув концерти [такрор.].
13.10 «Қирқ ҳунар ҳам оз».
13.55 Болалар учун театр «Олтин жўжа». Қўқон шаҳар театрининг спектакли.
14.55 «Ёзги таътил».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Усмирлар учун. «Уйла! Изла! Топ!».
19.00 «Сиҳат-саломатлик».
19.30 «Ҳафтаномa» [рус тилида].
20.00 «Ойнаи жаҳонда».
20.20 Телевизион театр. Самда Зуннунова. «Қайноналар».
21.00 «Ҳафтаномa».
21.40 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Абдуҳошим Исмоилов.
23.00 «Туш ўнгидан келди ёки чемодан». Бадиий фильм.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
7.00—12.00

* * *

17.00—23.30
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ
● «ОРБИТА IV»

5.40, 18.00, 21.45 — Кўрсатувлар тартиби.
5.45 Эрталабки гимнастика.
5.55 «Руҳни чиниқтириш».
6.55 Янгиликлар.
7.30 «Авто-шоу».
7.45 «Технодром».
8.00 «Марназ».
8.30 «Эрта саҳарлаб». «Денаер — динозаврларнинг энг сўнггиси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
9.00 «Ҳамма уйдалигида».
9.30 «Спортлото» тиражи.
9.45 «Тонг юлдузи».
10.35 «Ҳарбий ревю».
11.05 «Китобхона».
11.45 Суа спорти турлари бўйича Европа чемпионати Синхрон сузиш. Англиядан кўрсатилади.
12.15 «Детектив-ленда». «КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:
13.00 «Пиф ва Геркулеса». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

*

14.00 Янгиликлар.
14.15 «Саёҳатчилар клуби».
15.05 «Маринскда променад».
16.20 Эфирда бевосита мулоқот.
17.00 «Ҳунарли хор бўлмайдн».
17.05 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
17.45 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].
18.05 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳақиқий ажина овловчилар».
19.00 Телэкранда биринчи марта. «Тимсоҳ Данди-2». Бадиий фильм (Австралия).
20.55 Эълонлар.

*

21.00 «Якунлар».
21.50 «Ялта-Москва-Транзит-93». Эстрада қўшиқлари ижрочиларининг VIII телевизион таилови. «Олимпия» спорт комплексидан кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 «Хайрли тонгі».
7.55 «Искандар». Ҳужжатли фильм премьераси.
8.25 «Фольклор».
8.55 «Рост» студияси. «Биз мультфильмлар расмини чизамиз». 2-қисм.
9.25 «03» кўрсатуви.
9.55 Мульти-пульти.
10.05 «Ати-бати...».
10.35 Кундузги сеанс. «Якнаю ёлғизим». Бадиий фильм.

*

12.15—15.40
«ЎЗБЕКИСТОН»
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

12.15 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
12.25 Швейцарияда конфедерацияга асос солинганлиги кунига.
13.00 «Рангинамон» (тожик тилида).
14.00 «Дўстлик маршрутлари бўйлаб». Истанбулга сафар.
14.40 «Умид» (уйғур тилида).
15.25 «Ву турфа олам».

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.40 «Ву нўхна лентала». Оперетта артисти А. Орлов.
16.10 Диснейнинг сеҳрли олами. «Винни-Пухнинг янги саргузаштлари», «Қора плашч».

*

17.00—19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 Си-Ви-Эс кинотеатри. «Сирли гувоҳ». Бадиий фильм (АҚШ).
20.40 «Владимир Познер Америкаси».
21.00 Турнея телевидениесн. Хабарлар.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Спорт кўрсатуви.
21.35 «Шаҳарча». Дам олиш кўрсатуви.
22.00 Тунги дисмотека.
23.00 «А» программаси.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64606.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эскандар БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Мирвакил МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пирмиқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Сандақтор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Т. Долиев,
навбатчи — Б. Норбоев.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001 Буюртма Г—441. 97846 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.00
Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.